

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЛ ЧИКИШИ
№ 175 (1179)
3
СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

Область колхоз ва совхозлари пилла тайёрлаш планини бажардилар

Область колхоз ва совхозлари мўл пилла ҳосили етишти-
риш учун курашиб, иккори ҳосили оқ пилла етиштиришни
ёппасига ўзлаштирдилар ва иккинчи об-хаво шароитига қарама-
дан пилла тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Давлатга
ўтган йилга қараганда 327 центнердан ортиқ пилла топширил-
ди ҳамда колхоз ва совхозларнинг пиллачиликдан оладиган
даромади 2 миллион сўмга ошди.

Бекобод, Бобуот, Бўна, Калинин ва бошқа районларнинг
пиллачилари ипан нуртини тез ривожлантириш методини му-
ваффақият билан қўлланиб, ўз зиммаларига олган социалистик
мажбуриятларни анча ошириб бажардилар.

Кўпчилик хўжаликлар янги, оқ пилла уруғидан, айниса,
юқори ҳосил етиштирдилар. Булар орасида Бўна районидаги

Вильямс номи, Ормоникдзо районидаги Ленин номи колхоз-
лари нурлатиш мумкин.
Октябрь районидаги Калинин номи колхознинг Латифа
Миробоева бошлиқ зверо аъзолари ўзларига беришган 5 нур-
ти пилла уруғининг ҳар кутисидан 102 килограммдан, Урта
Чирчиқ районидаги Сталин номи колхознинг Бўриниса Хоши-
мова бошлиқ зверо аъзолари 4 нурти оқ пилла уруғининг ҳар
кутисидан 104 килограммдан пилла топширдилар. Улар пилла
нуртини 22 кун ичида етиштириб рекорд натижаларга эриш-
дилар.

Шунингдек, областимизда 100 дан ортиқ зверолар ҳар нур-
ти уруғдан 100 килограммдан ошириб, пилла топширдилар.
Давлат пилла тайёрлаш пунктларида пилла топшириш да-
вом этмоқда.

Н. С. Хрущев С. Итонни қабул қилди

СССР Қишлоқ хўжалик министр-
лигининг тақлифига биноан Совет
Иттифоқида меҳмон бўлиб турган
Американинг атоқли жамоат аълоби,
саноатчи ва молиячи Сайрус
Итонни СССР Министрлар Совети-
нинг Раиси Н. С. Хрущев 1 сеп-
тябрда Кремльда қабул қилиб, у би-
лан суҳбатлашди.

Самийий ва дўстона вазиятда ўт-
ган суҳбат вақтида С. Итон Совет
Иттифоқи ва Америка Қўшма Штат-
лари халқлари ўртасида дўстлик,
ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни рив-
ожлантириш ва мустақамлаш
тўғрисидаги ўз фикрларини айтиб
берди ҳамда ҳар иккала мамлакат
саноати, қишлоқ хўжалиги ва фан
наомияларига ўртасида дўстона ва
ғазар манфаатли алоқалар янада рив-
ожланиши деб ўмин билдириди.

Н. С. Хрущев С. Итонга Совет
Иттифоқи ва Америка Қўшма
Штатлари халқлари ўртасида дўст-

лик ўрнатиш ва уни ривожланти-
риш ҳамда бутун дунёда тинчликни
сақлаб қолиш ва мустақамлаш йў-
лидаги ҳаракатларининг совет
халқи ва СССР ҳукумати хайрихо-
лик билан қўлиб олиб яхши тушуна-
нинг Раиси Н. С. Хрущев 1 сеп-
тябрда Кремльда қабул қилиб, у би-
лан суҳбатлашди.

Суҳбатдан сўнг Н. С. Хрущев ва
С. Итон Кремлин саёр қилдилар,
Кремлиннинг иқтисодга сазовор жой-
ларини тамоҳа қилиб юрган жуза
кўп экскурсиячилар билан учраш-
дилар ҳамда шу учрашувни эсда
қолдириш учун суратга тушдилар.
(ТАСС.)

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раиси ва Вьетнам Демократик Республикаси президенти

ЎРТОҚ ХО ШИ МИНГА

Вьетнам Демократик Республикаси бош министри

ЎРТОҚ ФАМ ВАН ДОНГГА

ХАНОЙ.

Қадрлиқ ўртоқлар,

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР
Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети миллий бай-
рам — Вьетнам мустақиллиги аъло қилинган куннинг 13 йиллиги му-
носабати билан Сизга ва Сиз орали бутун қарош Вьетнам халқида
қизғин, самийий саломларини ҳамда дўстона табрикларини йўллайдилар.

Совет кишилари ўр шонлиқ билан қайт қилдиларки, халқ ҳоки-
мийти ўрнатилганда бери ўтказ ўн уч йил мобайлида Вьетнам меҳнат-
кашлари ўз партияси раҳбарлигида мустақамлашларга қарши олиб бор-
ган кўп йиллик қадрамонона урушда ғалаба қозонибгина қолмай, балки
ўз Ватанининг экономикаси ва маданиятини юксаттиришда ҳам жуза
катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатил-
ишга эришилгандан кейин ўтган қисқа вақт ичида Вьетнам Демократ-
ик Республикасининг халқ хўжалиги тикланди ва унинг олдида соци-
алистик куралишининг улуғвор перспективаси очилди.

Шаҳ-шубҳа йўқки, Вьетнам халқи ўзининг шонли илгор отряди-
Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида ўз олдида қўйилган тар-
ихий вазифани қисқа муддат ичида амалга оширади, мамлакатининг иқ-
тисодий социалистик жамият негизларини қуриш ишларига янги ғалаба-
ларга эришади.

Вьетнам Демократик Республикасининг Вьетнам халқи олдида тур-
ган ва мамлакатини 1954 йили Женева битимларига мувофиқ равишда
қайта бириштирилган риборат бўлган эр муҳим вазифани хал қилиш
йўлида эр ғайрат билан олиб бораётган ишчил кураши ғоят катта ички
сиёсий аҳамиятга эгадир. Бу кураш Ҳинди-Хитой районида тинчлик ва
хавфсизлигини таъминлаш ҳамда катта таъсир ўтказмоқда. Импералист-
лик мустақамлашчи доиралар Ҳинди-Хитойга нисбатан ўз режаларини
тузмоқдалар. Биз чуқур аминимизки, Вьетнам халқининг ўз Ватанини
бириштириш йўлида олиб бораётган ҳамда жаҳондаги барча эрсева-
р халқлар томонидан астойдил қўллаб-қувватланган олдинан кураши
шубҳасиз, тўла ғалаба билан тугалланади.

Совет кишилари яхши билдиларки, Вьетнам меҳнаткашлар пар-
тияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати пролетар интер-
национализмининг ленинга принципларига амал қилиб, Совет Иттифоқи
билан, Ҳинди Халқ Республикаси ва қурашган социалистик лагердаги
бошқа мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлини янада мустақамлаш
ва ривожлантириш тўғрисида тиним раҳбарлик қилмоқда. Ана шунинг
йўли Вьетнам халқи олдидаги миллий вазифаларни муваффақиятли ра-
вишда амалга ошириш учун муҳим асослардан биридир.

Совет-Вьетнам дўстона дўстлиги халқларимизнинг бахт-саолати
йўлида, социалистик лагерини янада мустақамлаш манфаатлари йўлида
бундан бўён ҳам ривожланади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

КПСС Марказий
Комитетининг
Биринчи секретари
СССР Министрлар
Советининг Раиси
Н. ХРУЩЕВ
Москва, Кремль 1958 йил 1 сентябрь.

СССР Олий Совети
Президиумининг
Раиси
К. ВОРОШИЛОВ

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказилаётган иккинчи халқаро конференция қатнашчиларига

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУЩЕВ ТАБРИГИ

Атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланишга бағишланиб
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан иккинчи халқаро конфе-
ренция ўтказилаётганлигидан фойдаланиб, Совет ҳукумати, бутун совет
халқи номидан ва шахсан ўз номидан конференциянинг ҳамма қатнаш-
чиларини халқаро илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги шу конфе-
ренцияни қатнашчилик катта воқеа билан табриклашга ижозат берайли.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш соҳасида
фан ва техника эришган жуза катта муваффақиятлар ҳақиқатан ҳам
тарихий аҳамиятга эгадир. Инсоният бу муваффақиятларга аввало кат-
та ва кичик мамлакатлардаги олимлар, инженерлар ва кўп миңлаб
олдий меҳнаткашларнинг қўрғай-тоғмай ғайрат сарфлаётганликлари ту-
файли муяссар бўлди.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланишга бағишла-
ниб конференцияни қатнашчиларига атом фани ва техникаси соҳасида
мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик қилиниши ҳамда энг янги билмлар
ва тажрибаларни уларнинг ўз ўрталарида баҳам қўришлари учун келг
имкониятлар очиб беради.

Атом куралини таққиллаш тўғрисида битим тузилганида ади ва бу
қурул ҳамма давлатларнинг қурул-юқурида қаторидан чиқариб ташлан-
ганда ади, бу ҳамкорлик таққиллаш бўлмақ даражада катта фойда ет-
казган бўлур ади. Ана шунда атом саноатининг бутун қудратини тинч-
лик ва тараққиятга хизмат қилишнинг мумкин бўлиб қолур ади.

Иккинчи конференциянинг фан, техника ва инсоният тараққияти
йўлида қилаётган ишларига муваффақиятлар тилайман ва бу соҳада
ишлаб турган олимлар ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини атом
энергиясидан нуқул тинчлик мақсадида фойдаланишга сарфлайдилар
деб ўмин қиламан.

Н. ХРУЩЕВ
СССР Министрлар Совети Раиси
1958 йил 1 сентябрь.

Чечен-Ингуш АССР область партия активининг йиғилиши

ГРОЗНИЙ, 1 сентябрь. (ТАСС).
Кеча бу ерда Чечен-Ингуш АССР
партия ташкилотининг навбатдаги
вазифаларига бағишланган область
партия активи йиғилиши бўлди.
Область партия комитетининг сек-
ретари А. И. Яковлев доклад қилди.
Музокараларда 22 киши сўзлади.
Актив йиғилишида КПСС Маржа-
зий Комитети Президиумининг аъзо-
си, КПСС Маржазий Комитетининг
секретари Н. Г. Игнатов катта нутқ
сўзлади.

Ўза парваришини давом эттириб, пахта йиғим- теримига ҳам пухта тайёрланайлик!



Янгийўл районидаги Свердлов номи колхозининг ватанпарвар кексалари ўза парваришида актив қатнашиб, сувчилик вазифини қўнгилдагидек бажардилар. Суратда: рекса сувчилардан (чапдан) 69 ёшли, Ленин орденли М. Мазакиров ва 73 ёшли пенсионер У. Бобохонов ўртоқлар.

В. Панов фотоси.

ПАХТА ПУНКТЛАРИНИ ЯНГИ МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК

Ватанимиз пойтахти Москвада
бўлиб ўтган Вутуниттифок кенга-
шининг муътабар минбарига туриб,
областимиз пахтакорлари 1958 йил-
да мамлакатга 500 миң тонна «оқ
олтин» етказиб бериш ҳақида сўз
берган адилар. Колхозчилар ва
совхоз ишчилари, РТС ҳамда МТС
меҳнаткорлари эрта баҳордан бош-
лаб колхот партия ва халқ олдида бе-
ришган ана шу ватани оқлаш мақ-
садида астойдил меҳнат қилдилар.
Пахтакорларимиз ўза парвари-
шида ишларни янги ҳосилини йи-
ғиб-териб олишга тайёрларлик кў-
риш билан маҳкам боғлаб олиб бор-
моқдалар. Балзи карталардаги бў-
лиқ кўсаклар мана-мана очилди деб
турибди. Ҳа дейла пахта йиғим-те-
римни оммавий равишда бошлаш
нети. Шу муносабат билан тайёрлов
органларининг кўп сонли
коллективлари олдида
ғоят катта ва масъулиятли ва-
зифалар турибди. Йиғим-терим да-
врига қолган муддат ичида пахта
заводлари қабул қилиш пунктлари,
куритиш-тозалаш цехлари «ҳар та-
рафлама тахт қилиб қўйилиши керак
Чуқил давлатта пахта топшириш
суратини тезлаштириш кўп жихат-
дан ана шу тайёрлов органлари хо-
лмларининг ишга билишдир.

Областимиздаги бир қатор пахта
тозалаш заводларининг коллективла-
ри ўз зиммаларига юклатилган маж-
буриятни бутун тўлалиги билан ан-
глаб, янги мавсумга пухта тайёрла-
риш қилишди. Бунга Янгийўл, Дал-
варзин, Алимқент ва Бекобод пахта
тозалаш заводлари коллективлари-
нинг ишини мисол қилиб кўрсатиш
мумкин. Алимқент пахта тозалаш за-
водининг аҳил ва меҳнатсевар кол-
лективи янги йиғим-терим мавсуми-
га ҳар тарафлама намунали тайёр-
гарлик қўлди. Корхонада капитал
ремонт ва тайёрлов пунктларини
тартибга келтириш ишлари облас-
тимизда биринчилар қаторида тугал-
ланди. Заводга етарли миқдорда қон-
қанор ва фартуқлар келтирилди,
лаборатория асбоб-ускуналари тўла
ремонтдан чиқарилди, автохоро-
лар тахт қилиб қўйилди. Корхона-
нинг 5 миң квадрат метр майдонига
ҳамда 12 та катта омборига асбоб-
ётқизилди. Заводнинг Оқўрғон ва
Бўна районларидаги 8 та қабул қи-
лиш пункти зарур нарсалар билан
тўла-тўғис таъминланди. Жумладан,
уларга 40 дан кўпроқ дентали тран-
спортёр ва бошқа меҳнаткашлар ўр-
натилди. Пунктлар ҳузуридаги ку-
ритиш ва тозалаш хўжаликлари тахт
қилиб қўйилган. Пункт хотинлари
колхозларга 54 миң этак, 25 миң-
дан кўпроқ қон-қанор тайёрлаб,
тарқатди. Завод ишчи хизматчилари
нинг турар-жой бинолари тўла
ремонтдан чиқарилди. Хуллас, кор-
хона ҳолкетини янги ҳосилини
қабул қилиб олишга тайёр.

Лекин ҳамма ерда ҳам пахта
йиғим-теримига ана шундай тайёр-
гарлик қўрилди деб айтиб бўлмай-
ди. Айрим корхоналарнинг хўжалик
ишларини таъминлаш вағирасида,
деган нотўғри қайғиришга берилиб,
ҳеч асосиз равишда янги мавсум-
га тайёргарлик қўриш ишларини
халдан ташқари оғога сўриб юбор-
моқдалар. Ремонт ишлари графиги
кўпол равишда бўзилди, бажари-
лаётган ишларнинг сифати устидан

етарли контроль олиб борилаётди.
Жумладан, Мирзақўл пахта тозалаш
заводида худди шундай аҳволни кў-
риш мумкин. Бу ерда ремонт ишла-
ри ўз вақтида бошланмади. Ишлаб
чиқариш бинолари, агрегат ва меҳа-
низмларни ремонтдан чиқариш ҳа-
лигача тугалланган йўқ. Тайёрлов
пунктларини ремонт қилиш ишлари-
да, айниқса, сўсатқилишқа йўл қў-
йилмоқда. Завод раҳбарлари ҳамма
имкониятлар бўлишга қарамай,
омборларни, майдонларни, тарози-
ларни, механизация воситаларини,
ётоқхоналарни ремонт қилиш, тай-
ёрлов пунктларига янги майдонлар
ҳамда омборлар қуриш ишларини
қўнгилдагидек ташкил эта олмай-
лар.

Белгиланган механизмлар ўз вақ-
тида етказиб берилаётганлиги са-
бабли тайёрлов пунктлари ҳузурида
куритиш-тозалаш куритиш-тоза-
лаш цехларида иш оғога сўриб
юборилмоқда. «Узбекхўшпоқмош»
заводи (директори ўртоқ Сияйил)
куритиш-тозалаш цехлари учун зар-
ур асбоб-ускуналар, шунингдек
лаборатория ускуналарини етказиб
беришни турли баҳоналар билан
пайсалга солимоқда. Тошкент Халқ
хўжалик кенгаши ва давлат
униинг машинасозлик саноати бош-
қармасининг раҳбарлари пахта
пунктлари ва заводларини янги
мавсумга тайёрлаш учун зарур бўл-
ган барча ускуналарни яқин кун-
лар ичида етказиб беришнинг ҳеч
сўзсиз таъминлашлари керак.

Ўзбекистон КП Марказий Коми-
тетига ва Ўзбекистон ССР Министр-
лар Советининг «1958 йилги пахта
ҳосилини териш, қабул қилиб олиш
ва қайта ишлашга тайёргарлик қў-
риш тўғрисида» деб чиқарган қаро-
рида шу нарсаларга кўрсатиб
ўтилганлиги пахта ҳосилини териш
ва тайёрлашга ўз вақтида ҳозирлик
қўриш — партия, совет, қишлоқ
хўжалик органларининг Халқ хў-
жалиги кенгашлари, МТС, РТС,
пахта заводлари совхоз ва колхоз
раҳбарларининг энг муҳим вазифа-
сидир. Республика партия ва ҳуку-
мати маҳаллий партия ва совет
ташкилотлари зиммасига қўшимча
чоралар қўриб, барча тайёрлов
пунктлари ва пахта заводларини
янги ҳосилини қабул қилиб олиш ва
қайта ишлашга ҳозирлашнинг яқин
кунлар ичида тамомлаш вазифасини
юқлатди.

Йиғим-терим даври бошлангунга
қалар заводлардаги ҳамда тайёр-
лов пунктларидаги дентали транс-
портёрлар ва бошқа механизмлар
тахт қилиб қўйилиши зарур. Ай-
ниқса куритиш-тозалаш цехлари-
нинг тайёргарлигига алоҳида эъти-
бор бериш керак. Чуқил давлатта
пахта топшириш суратини тезлаш-
тиришда бу цехларнинг роли жуза
каттадир.

Йиғим-терим кампанияси бошлан-
гунга қалар саноқли кунлар қолди.
Пахта заводлари ва тайёрлов пун-
ктларининг коллективлари ана шу га-
нимат кунларининг ҳар бир соати-
дан тўла ва ғуномли фойдаланиб, бу-
дан чоралар билан тайёргарлик
ишларини тезлаштиришлари лозим.
Пахта йиғим-теримини ҳар тараф-
лама шай ҳолда кутиб одам —
барча тайёрлов органлари холим-
ларининг шарафли бурчидир.

Ўза парвариши сусайтирилмасин

Пискент районидаги Сталин но-
ми колхозининг аъзолари бу йил
она-Ватанга 900 тонна «оқ ол-
тин» етказиб бериш мажбуриятини
олганлар. Колхозчилар бу юксак
мажбуриятни бажариш учун ҳозир
ҳам ўза парваришини қизғин да-
вом эттирмоқдалар.

Колхознинг ўртоқ М. Рустамов
бошлиқ бригадаси аъзолари ўза
парваришида олдинда бориб, август
ойининг биринчи ярмида қўлга ки-
ритилган муваффақиятларини мус-
таҳкамлашди. Улар 10-15 кун
ичида барча майдондаги ўзаларни
бир марта комплекс парваришдан
чиқардилар. Қатор оралари сифати
ишланаётганлиги туфайли ҳар туп
ўзала кундан-кунга ҳосил кўпай-
моқда.

Шунингдек ўртоқ Бўрибек Руста-
мов бошлиқ бригадасида ҳам 57 гек-
тар ердаги ўзанинг ҳаммаси икки
томонлама парвариш қилинаётди. Ў-
заларга «шарбат» суви берилаёт-
ганлиги бўлиқ кўсаклар ечилишини
таъминлаётди. Сувчилар ўзаларни
ўқариқлар орқали жидратиб сўри-
б, натижада узоқ вақт сақлани-
шга эришаётганлар. Натияжада сў-
ғил шоналар гулга-гуллар тўқ кў-
сакларга айланимоқда.

Биз, — дейди бригада бошли-
ғи ўртоқ Рустамов, — гектардан
25 центнердан ҳосил олиш учун
курашмоқдамиз. Мажбуриятни оши-
риб бажарадиган даражада мўл ҳо-
сил етиштириш мақсадида ўзалар-
ни беш марта узунасида, тўрт мар-
та қўндалигига қўлтирилади. Ҳа-
ли, қондириб сўғордик. Ҳозир
ўза парваришини давом эттириш
билан бирга, теримга ҳам пухта тай-
ёргарлик қўрмоқдамиз.

Лекин колхознинг ҳамма брига-
да ва звероларида ҳам ўза парва-
риши ана шундай яхши ташкил қи-
линган, деб бўлмайди. Айрим бри-
гада, звероларда кейинги кунларда
лада ишлари бўшаётганлиги юборилди.
Ўртоқ Хўшим Марасулов бошлиқ
бригадаси барча куч ва техника
ўза парваришига тўла сарфлаб
ётмаганди. Ривожланишдан кечик-
кан ўзаларни парвариш қилишда
от култиваторлардан ғоят унум-
ли фойдаланилмоқда. Бригада бош-
лиғи ўртоқ Марасулов кейинги кун-
ларда лада ишлари билан қизиқ-
майитган бўлиб қолади. 52 гектар
ердаги ўзанинг қариб ярма ўр-
ғимчанкка билан зарарланган. Ўр-
ғим учу қарши етарли кураш олиб
борилмаётди. Ҳосилининг нобуд бў-
лишига йўл қўйилмоқда.

Колхозда юз бераётган бу каби
қатор камчиликлар, бундануқчилик
қайғиришлари раҳбарларни сира таш-
вишлантирмаётди. Улар илгор бри-
гадларининг иш билан қаноатла-
наб, қолқот бригадалардаги камчи-
ликларни тугатиш чораларини кўр-
маётдилар.

Колхоз раҳбарлиси, партия таш-
килотли ўза парвариши соҳасидаги
камчиликларни тезла тугатиб, бри-
гада ва зверолар ишига раҳбарлик
ни қўлайтиришлари, шу билан бирга
йиғим-теримга ҳам тайёргарлик қў-
ришлари, ҳар туп ўзала мажбу-
риятнинг бажарилишини таъмин-
лашнинг даражада ҳосил етишти-
риш таъминлаш учун зарур чора-
лар қўришлари керак.

Т. ҚОСИМОВ,
А. ҚОЗИКОНОВ.

ДАСТЛАВКИ ҚУВОНЧ

Ҳаракатда баракаат деб жуза тў-
ғри айтган ақаллар Гулистон райо-
нидаги Ленин номи колхозининг
ўртоқ С. Анорқулов бошлиқ брига-
дасида бўлаганимизда бу мақоланинг
донилик билан айтилганлигига яна
бир бор ишонч ҳосил қилдик. Нега-
ки, бригаданинг барча майдондаги
ўзалари бир текисда ривожланти-
рилиб, мўл ҳосил тўпланди. Бун-
га, албатта, халол меҳнат туфайли
эришилган.

Бригада даладарини айланб
юрибми. Ўза тупларида шига-
шига кўсак. Бош кўсаклар очил-
ти. Бу кичик ишми? Бригада
аъзолари ўзани ҳозирги аҳволга
келтиришга жуза кўп куч сарф
қилганликлари сезилиб турибди.
Суритириб билдик, 50 гектарли
шу картанинг ўзаси фақат бир
марта чопиқ қилинипти. Нариги,
28 гектарлик карта бўлса роса
тўрт марта кетмон ебди. Аммо уни-
сиз ҳосил мўлоқ. Ҳўш, бунинг
сири нимада? Бу саволга бригада
бошлиғи С. Анорқулов жавоб бериб
бундай дейди:

— Еримизда чигитни текис уни-
риб олганимиздан кейин 50 гектар-
нинг ҳаммасини, қўндалигига
қирқдик. Натияжада 60х60 ехе-
масилга квадратлар ҳосил қи-
линди. Узунасида ва қўндалиги-
да култиватори қилиниб, пар-
вариланган қўчталар яғанабоб бў-
лганда ишга эр бериб, даладарни
бегона ўталардан ҳам тозалаб олдик.
Шундан кейин ўзаларимиз барқ
уриб фавардик. Сўнгги бир марта
тузатиб чопдик. Қолган ишларнинг
ҳаммасини трактор бажардик десак
ёлғончи бўлмайми.

Бундан қўриғиб турибдики, ҳо-
сил пойдевори мустаҳкам қилиб
қурилан ади. Шу туфайли ҳам
навбатдаги ишлар анча енгил кўчи-
ди.

Ўзада тутилганидан анча кўп меҳ-
нат қўнларининг тежадасида қили-
ни айтишасми. Бригада 78 гектар
ерда 35 центнердан ҳосил етишти-
риш учун 10100 меҳнат кўни сарф-
лашнинг мўлжаллаган бўлса, ҳозирга
қалар қилинган ишлар учун 4 миң-
тага яқин меҳнат кўни сарф қили-

нибди. Аттатг, қолган 28 гектар
ердаги ўзаларини ҳам икки томон-
лама ишлашга мослаштирилганда
яхши иш бўларди!

Қотмадан келган, ишчанлиги,
ҳаракатчанлиги сезилиб турган бри-
гада бошлиғининг бу гаплари сўх-
батдошларнинг қўнгилни кўтарди.
Лекин Сақлабали Анорқуловнинг
ўзи бу гаплардан қаноат ҳосил қилма-
ди шексиз, чуқул дўниси қўли-
га олиб, пелонисини қашиди. Эх-
тимол у, ҳозирги айтган гапларим
мақталоқлик бўлмагани, мўл
ҳосил учун курашни сусайтириб
юборишга сабаб бўлмасин тағин,
деб ўйлаётганлар. Шунинг учун
бўлса керак қўлиб қўйдик:

— Ҳа йиғим-терим бошлангани
йўқ. Шу кунларда ҳам астойдил
тер тўла

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент шаҳрини янада обод ва кўркем қилайлик

Тошкент шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитети шаҳарнинг ободончилигига доир масалаларни кўриб чиқиш, ободончиликни янада яхшилаш тадбирларини белгилашди.

Бейинги йилларда Тошкент шаҳрида амалга оширилган ҳаёт тadbирлар натижасида шаҳарнинг ташқи кўриниши анча гўзаллашди, дарахтларнинг сони ошди, янги кўчалар, гулзорлар яратилди, бир қанча кўча ва майдонлар арктиктура жиҳатидан қийинчилик туғдирилди, шаҳарда электр чироклари анча кўпайди.

Аммо, шунга қарамай, ҳали шаҳарнинг комплекс равишида обод ва кўркем қилиш соҳасида йўлгина камчиликлар бор. Маълумки, давлат шаҳарини обод қилиш ишлари учун ҳар йили кўплай материал ва маблағ ажратилади. Лекин ундан етарли равишда фойдаланилмайди, натижада бир қанча зарур тадбирлар амалга оширилмай қолди.

Шаҳарнинг ободончилик ишларидаги камчиликлардан бири шаҳар ирригациясининг қонирасида аҳолида бўлишидир. Бундан 10-15 йил муқаддам шаҳар аҳолиси орқали бир секундда 20 кубометр сув оқар эди, 1957 йилда оқарув 6-8 кубометрге қайтади. Бунга сабаб қатор майда ва йирик ариқлар қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш натижасида бўзиб юборилган, қолaversа бундай ариқларни тузатиш ва улар орқали сувни равион оқизиш у ёқда турсин, балки қолган ариқ шохобчаларидан тўғри фойдаланиш, тоза сақлаш ишларига ҳам етарли аҳамият берилмай келинади.

Кўчаларни кенгайтириш, асфальтлаш, дарахт ўтказиш ва бошқа тадбирлар шаҳар ирригациясининг ҳар тарафлама ривожлантириш манфаатларига бевосита ҳолда амалга оширилади.

Шаҳарни тоза тутиш ишларида ҳам шулар каби жиҳадий камчиликлар бор. Кўча ва ҳовлиларини тозалаш, турли ахлатларни шаҳарда ташқарига чиқариб ташлаш ишлари етарли ташкил этилмаган, кўп сонли тозалаш-санитария тоғонсортларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган.

Кўчаларнинг номларини ва уй рақамларини тартибга солиш, турли қурилиш ва ишчиликларни кўркем сақлаш ишларига ҳали ҳам етарли эътибор берилмаётган. Шаҳарда кўп қўчаларнинг номлари, уйларнинг эса рақамлари йўқ. Бу ҳол меҳнаткашлар учун, алоқа бўлимлари ва шаҳар ишлари билан боғлиқ бўлган ташкилотлар учун кўпгина қийинчиликлар туғдиришмоқда.

Шаҳар ободончилиги соҳасида жиҳадий камчиликларнинг содир бўлишини учун шаҳар ободончилик бошқармаси, район ижрокомитетлари, санитария ва милиция органлари жавобдордирлар.

Шаҳар ободончилиги билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз ишларида кенг жамоатчиликнинг ташаббусига суянадилар, оммаи тозалаш, ободончилик, ирригацияни ривожлантириш ва бошқа ишларга сафарбар этиладилар.

Шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитети шаҳарини обод қилиш ишлари шаҳар ҳўжадиги ва маданиятининг ривожланишидан ҳамма шаҳар аҳолисининг ўзинидан анча орқада қолиб келаётганлигини қай қилиб, ҳамма қорона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларидан шаҳар ободончилигига бўй берган жиҳадий камчиликларини аниқ фурсатда туғатиш, шаҳарнинг шаҳарини аҳолисини яхшилаш, ирригация шохобчаларини тиклаш, шунингдек кўкчаларни яхшилаш ва дарахтзорларни кенгайтириш, электр чирокларини қўйиштириш ва шаҳарини обод қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни амалга оширишни талаб қилишди.

Тошкент шаҳар ободончилик бошқармасига бузилган ва бутунлай қўрилиб кетган бошқа майда ариқ шохобчаларини 2-3 ой ичда тиклаш мажбурияти юқлади.

Шаҳар доирасида қурилиш ишлари, асосан кўча ва тротуарларни кенгайтириш, асфальтлаштириш, ер остидан ўтказилган водопровод, канализация, телефон ва электр линиялари бошқа ишлар билан комплекс равишда амалга оширилиши лозим.

Шаҳарни тозалашда санитария транспортидан яхши фойдаланиш ҳамда йиғилиб қолган ахлатларни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлаш мажбурияти шаҳар тозалаш трестига юқлади.

Шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитети кўча ва тротуарларни асфальтлаштириш планини тасдиқладилар.

Шаҳарни ободонлаштириш ишларини бундан кейин ҳам маълум план асосида олиб бориш мақсадида шаҳар қурилиш ва архитектура бўлимининг бошлиғи ўртоқ Булатовга қурилиш лойиҳаларини тасдиқлашда ирригацияни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор бериш мажбурияти юқлади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети, район ижроия комитетларига ва ободончилик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Комилзова сув чиқариш ерларга насослар ўрнатиш сув чиқариш, кўча, тротуарлар ва ҳовлиларни тоза сақлаш, бунинг учун айрим қороналарни, ташкилотларни, муассасаларни ва бошқа шахсларни жавобгар қилиб бериш ишлари, шунингдек уй бошқарувчилари, маҳалла комитетлари раислари зиммасига ўзларига қарашли территорияларнинг ҳар дом тоза тутишини таъминлаш топширилди.

Шаҳардаги тегишли ташкилотлар, асосан санитария органлари шаҳарнинг ободончилиги ва тозалаш ишларини қатъий контроллик олиб боришлари, бу соҳада тартиб ва қонунларни бузувчиларга нисбатан қонуний чора қўрилиши лозим.

Шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитети шаҳарини обод қилиш ва тоза сақлаш шаҳардаги барча граждандарнинг энг муқаддас бурчи эканлигини кўрсатиб, кенг меҳнаткашлар оммасини республика пойтахтининг янада кўркем ва обод бўлиши учун ҳамма тадбирларни амалга оширишда актив иштирок этишга, чақирди.

ХУШ ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Давлат эстрадасининг гастроллари

Ўзбекистон давлат эстрадасининг бир гуруҳи артистлари Ўзбекистон, шунингдек қардош Тожикистон ободлаштириш бўйлаб гастролга чиқиб кетдилар.

Ҳозиргача артистлар қардош Тожикистон пойтахти Сталинобод шаҳрида, шунингдек республиканинг қолхоз ва совхозларида бўлиб, бир ой давомида 30 га яқин концерт бердилар. Эстрада солистлари Ж. Бекмуров, З. Полянова, Г. Имайлова, М. Халилов, Ф. Тожибаев ва бошқа санъаткорлар ижросидаги номерлар тамошбинларга жуда манзур бўли.

Артистлар яқинда Ленинободга жўна кетдилар. Ленинобод ободлаштириш районлари, қолхоз ва совхозларида бўлиб, 15 га яқин концерт бердилар. Шунингдек, тошкентлик санъаткорлар Фаргона области пахтакорларига ҳам маънавий хизмат кўрсатдилар. Улар Фарғоналик пахтакорларга 20 га яқин концерт қўйиб бердилар.

А. ИНОҚОВ.

ВЛКСМ 40 йиллигига бағишланган фестиваль

Тошкент ободончилиги Чирчиқ, Ол-



«Ташсельмаш» заводининг йиғув цехида сатирик «Крокодил» деворий газетаси системали равишда чиқиб туради. Газета меҳнат ниятларини бузувчиларни, брэк махсулот ишлаб чиқарувчиларни кескин танқид қилади. Суратла: дех ишчилари газетанинг янги сонини кўздан кечирмоқдалар.

В. Панов фотоси.

ЎРМОНШУНОС БЛОКНОТИДАН Ботқоқ сарвиси

Сарв дарахти дунёдаги ўсимликлар орасида энг гўзал ва хушманзарали ҳисобланади. Шарқ шоҳларининг ўз газаларида гўзал қизларни кўпичча ана шу дарахтга ўхшатишлари ҳам бечиз эмас.

Ботқоқ сарвиси Шимолий Америка ва Хитойда табиий ҳолда учрайди. Ўрта Осиёнинг жанубий районларида эса сарв дарахти — маданий ўсимлик сифатида қўйиштирилади. Сарвининг бўйи 46 метр, тасвирининг йўғонлиги эса 2 метргеча боради. Бу дарахтнинг қобили тўқ қизил, ёғоч қисми сариқ рангда бўлади. Ёғоч юмшоқ, сувда қирмайди. Шу сабабли ҳам у темир йўл шпаллар, бошқалар ясашда ва бинокорликда кенг қўлланилади.

Ботқоқ сарвисини ёрғулкини кўп талаб қилувчи ўсимликдир. У ботқоқли тупроқларда, қумли ва соф тупроқларда ўсади. Шаҳарлар ва парклари кўкчаларни яхшилашда хизмат қиладиган ботқоқ сарвисини асосий илдиридан ташқари ҳаво ил-

диэларига ҳам эга. У ҳаво илдиэлари ёрдами билан тупроқда етишмаган озуқаларни ҳаводан олади. Шу сабабли янгидан барпо этилган каналлар ва кўлар бўйига сарв дарахтини ўтказиш яхши натижа беради.

Сарв дарахтини Самарқанд шаҳар паркида, Андижон шаҳридаги дендрариум ва Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида уқатиш мумкин. Ботаника боғида сарв дарахти сунъий кўлар соҳидада ўн йилдан бери ўстирилади. Еш дарахтлар Тошкент шаҳарини яхши ривожлантирмоқда. Ҳозир дарахтларнинг бўйи 4 — 5 метрга етиб қолди.

Самарқанд, Фарғона ва Андижонда уруғ берадиган катта сарв дарахтларидан самарали фойдаланиб, бу кимматли ўсимликни республикамизда кўпайтириш зарур.

К. ОРИФХОНОВ, ўрмон ҳўжалиғи инжениери.

малик, Оҳангарон, Бекобод, Янги-Йўл ва Янгиер шаҳарларидаги клуб ҳамда маданият саройларида Ленин комсомолнинг 40 йиллигига бағишланган кинофестиваль бошланди. Бу кинофестивальни ободончилик бошқармаси, касса бошқармасининг бошқармаси Совети ва кинофильмлар прокати Ўзбекистон кинотраси ўтказмоқда.

10 сентябрдан давом этадиган фестивал даврида экранларда «Павел Корчагин», «Еш гвардия», «Заречная кўчасида баҳор», «Юлдуз» ва ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа фильмлар ҳам намойиш қилинади.

Киносеанслар бошлангачи олдидан тамошбинлар учун ВЛКСМнинг 40 йиллигига бағишланган лекция, доклад ва суҳбатлар уюштирилди.

Т. ЗУФАРОВ.

О. САЙДАМИНОВ.

Янги мактаб

Олмалик шаҳрида «Алмалик-Синестрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси катта янги мактаб биносини муқаддас олдидан битказиб, фойдаланишга топширди.

Бу ҳашаматли бино хоналари кенг ва ёруғ бўлиб, унда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Физика ва химия лабораториялари учун махсус хоналар ажратилган. Шунингдек, ўқувчилар физикатура залига ҳам эгадирлар. Зал зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланган.

Ўқувчиларга политехника таълимини ўргатиш мақсадида саноатлик-механика устоналари қурилган. Мактабда охиона, санитария кабинети ва кутубхона ҳам бор.

Янги мактаб 1 сентябрдан ишга туширилди.

Б. ТОЖИБОВ.

Паррандачилик фермасида

Калинин районидagi Булганич номи қолхозда қорвачилик билан бир қаторда паррандачилик ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Ҳозир фермада 500 товуқ ва 2500 га яқин жўжа бор.

Товуқбоқар М. Н. Фетисова ҳозиргача 500 товуқнинг ҳар бирини 96 тадан туғум олади.

Қолхоз аъзолари паррандачиликни ҳам мўл-кўл даромад манбаига айлантириш учун товуқларни макка-жўҳори дони билан тўғдириб боқмоқдалар ва озода биноларда парвартиш қилаётирлар.

Т. ШОИСЛОМОВ.

Қолхозда ҳаваскорлар тўғараги

Калинин районидagi Охунбобоев номи қолхоз правленисига, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг ташаббуси билан бу ерда бағиш ҳаваскорлар тўғараги ташкил қилинди. Тўғарақ махсус жой ва зарур қолғу асбоблари билан таъминланди. Ҳозир тўғарақ машғулотларига 20 га яқин ҳаваскор қатнашаётир. Улар ўзлари ўрганган кўча ва ашулалар асосида программа тузиб, қолхоз радиоузели орқали бир неча марта концерт бердилар.

Шу кунларда ҳаваскорлар пахтакорларга маданий хизмат қилиш учун янги-янги кўча ва қўшнларини ўрганмоқдалар.

Т. РАҲИМОВ.

РИҲСИ ОПА УЧ УҒИЛ ТУҒДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидagi Лангар маҳалласида яшовчи Рихси Розикова биласида қувончли воқеа юз берди. Розикова 3-туғруқхонада уч уғил туғди.

Чағалаларнинг ҳар бири 1,6 килограммдан. Ҳозир болаларнинг учоғи ҳам яхши ўсимда. Уч паҳлавон уғил туққан онанинг ҳам соғлиғи жуда яхши, у ўзини бардам ҳис қилмоқда. Медицина ходимлари она ва болаларга зарур ёрдамни кўрсатиб турибдилар.

С. МУСАЕВ.

ХОДИСА

Уч безори қилмиши

Дам олиш кунларидан бири эди. Тошкент районидagi «Коммунизм» қолхози территориясидан оқиб ўтувчи катта сув бўйида 10-километрлик В. Ефремов ва Л. Стрелкова баллиқ овозла, дам олиб ўтиришган эди. Шу пайт уч номаълум шахс уларга яқинлашди ва тўсатдан ҳужум қилиб, Ефремовни ура бошладилар. Қўлидаги соғинини тортиб олмақчи бўладилар. Лекин Ефремов уларнинг қўлидан чиқиб қочди. Аммо ёш қиз Стрелкова боқинчилик қўлида қолади. Улар қизини уриб шикастлантиридилар ва номаълум тажовуз қилдилар.

Жиноят дарҳол район милиция бўлимига маълум қилинди. Милиция ходимларидан Рашидов ва Аҳмедовларнинг оператив ҳаракат қилиши туфайли жиноятчилар қўлга олинди.

Бу боқинчилар — Зокир Собиров, Мухаммадшокир Умарқовиев ва Маҳмад Отаматов бўлиб, улар Тошкент районидagi Ленин номи қолхози аъзолари эканлиғи аниқланди.

Безорилар қамолда олиндилар. Улар ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Т. АҲМЕДОВ.



Тошкентнинг Чиланзор массивида уй-жой қурилиши тез суръатлар билан олиб борилаётир. Янги қурилган кўп қаватли биноларга меҳнаткашлар кўчиб кирмоқдалар. Бу биноларнинг пастки қаватларига китоб, маданий моллар магазинлари, аптекалар жойлаштирилмоқда. Суратла: Чиланзор массивида қад кўтарган янги уй-жой бинолари.

Б. Артемов фотоси.

Мутахассис кадрлар кўпаяди

Областимизда ўрта маълумотли мутахассислар тайёрловчи махсус техникумлар, билим юрлари ва хўна паррандачилик базасида Тошкент Халқ ҳўжалиғи кенгашига қарашли саноат техникуми ташкил қилинди. Унинг тўрт бўлимида 2 мингдан ортиқ студент таълим олаётир. Техникум ҳузурида 260 студент ўқийдиган деҳқон билим ҳам ташкил қилинди. Бу ерда 8 хил мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

Областдаги ҳамма техникум ва билим юрларида янги ўқув йили пухта тайёрларчи қўрилган ҳолда кутуб олини. Жумладан, биргина

Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номи 1-республика медицина билим юрти биноси ва инвентарлари ремонт учун 73 минг сўм маблағ сарфланди. Лабораториялар медицина асбоблари билан тўла-тўқис жиҳозланди. Шунингдек саноат, электромеханика, политехника ва бошқа техникумлар таълимлаштирилган устона ва лабораториялар билан таъминланди ҳамда улар мукамал жиҳозланди.

Янги ўқув йилида техникумларга студентлар қабул қилиш ушшоқлиқ билан ўтказилди. Тошкент Халқ ҳўжалиғи кенгаши системасидаги махсус ўрта ўқув юрларида ўтган йилдаги нисбатан 300 студент кўп қабул қилинди.

Бундан ташқари медицина ва педагогика билим юрларида ҳузурида маънавий оқибат бўлимлари ташкил қилинди. З. АХТЯМОВА.

Оҳан ишлов чиқариш 2,5 бававар кўпайди

Оҳангарон шаҳар саноат комбинатида илгари битта оҳан пиширдиган пель бор эди. Бу эса шаҳарда оҳанка бўлган талабни қониқара олмас эди. Шунинг ҳисобига олиб, яқинда комбинатнинг оҳан қарьерига 5 та янги тепловый печь қўрилиб

фойдаланишга топширилди. Печларнинг ҳар бирида суткасида 30-35 тоннагача оҳан пиширтиш мумкин. Янги печларнинг ишга туширилиши туфайли комбинатда оҳан пиширтиш ўтган йилдаги нисбатан 2,5 бававар кўпайди. А. КУЗНЕВ.

Бир асрдан ортиқ умр кўраётган онахонларимиз

Верхне-Волжск районидagi «Қизил Октябрь» қолхозида яшовчи Хатимабуви Алаудиновна 106 ёшга кирди. Унинг бир неча қизи, 17 невар ва 21 невараси бор. Катта қизи Салима Садриддинова 69 ёшга кирди.

Калинин районидagi Охунбобоев номи қолхози аъзои Уғилбуви Розикова 103 ёшга кирган бўлса ҳам, ҳали бардам кўрилади. Охунбобоев номи қолхозида Уғилбуви аялдорларидан жуда кўп киши иш-

лайди. Уғилбувининг 27 невараси, 32 невар ва 10 невараси бор. Не-варалар орасида ўқитувчи, тех-ник, врач ва ҳаво флотили ишлаётганлар бор. Қолганлари эса қолхозда гайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар икки кеска онахонларимиз ҳозир ҳам тетик, енгил-елли уй-рўзгор юмушларини бемалол ба-ларинишди.

Х. САГИЗОВ, Т. ШОИСМОИЛОВ.

Телевизор Экранида

4 СЕНТЯБРДА

19.30 Ўзбек тилида «Еш ўлкашунослар нималар ҳақида ҳикоя қилимоқдалар» деган эшиттириш.
19.50 Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш.
20.10 Киножурнал.
20.20 Рус тилида «Қозоқ халқ бахшиси Жамбул Жабоев» деган адабий эшиттириш.
20.40 Бадий фильм — «Урмондан чиққан уч киши».
Сўнги ахборот.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРДА — 3/IX да Юрак сирлари, 4/IX да Холисхон.

«БАТАН» (қишқик) — кундуз ва кечқурун Найя даяр.

«БАТАН» (ёғин) — Найя даяр.

«ОКТАБР» — Жасур кичи-лар.

«ИСКРА» (қишқик) — кундуз ва кечқурун Узоқ соҳилларда, кеч соат 8-50 минутда Биринчи севги қўшиғи.

«ИСКРА» (ёғин) — Ваъда.

КАФАНОВ номи — Узоқ соҳилларда.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун Муз юрак ҳақида афсона.

«ХИВА» — Бу воқеа Пенкювда бўлган эди.

«САЛЮТ» — Тентак.

„Муштум“ журнали

ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Журнал 1 июлдан ойда 2 марта чиқа бошлади.

Журналининг етказилиши тўғалмасин учун, йиллик обуначилар обуна бўлган жойларига 20/IX гача қўшимча 9 сўм тўлашлари лозим.

Бирлашган нашриёт.

Навий кўчаси, 28-уйда турувчи Евгений Кузьмич Куфтериннинг шу уйда турувчи Галина Митрофановна Куфтеринадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида қўрилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНИЛАРИГА

«БАТАН» (қишқик) — кундуз ва кечқурун Найя даяр.

«БАТАН» (ёғин) — Найя даяр.

«ОКТАБР» — Жасур кичи-лар.

«ИСКРА» (қишқик) — кундуз ва кечқурун Узоқ соҳилларда, кеч соат 8-50 минутда Биринчи севги қўшиғи.

«ИСКРА» (ёғин) — Ваъда.

КАФАНОВ номи — Узоқ соҳилларда.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун Муз юрак ҳақида афсона.

«ХИВА» — Бу воқеа Пенкювда бўлган эди.

«САЛЮТ» — Тентак.

Гитарали қиз

НОМИ ЯНГИ МУЗИКАЛИ КИНОКОМЕДИЯ ЧИҚАРАДИ

Сценарий авторлари — Б. Ласкин, В. Поляков.

Постановкачи — Александр Файншмидер.

Оператор — А. Темерин.

Композиторлар — А. Островский, Ю. Саульский.

Ашулар тексти авторлари — Н. Доризо, Л. Ошанин, Б. Ласкин, В. Поляков, Г. Регистан, В. Драгуновский.

Ролларда:

Л. Гурченко, М. Жаров, Ф. Раневская, В. Петер, С. Блинников, В. Новиков ва бошқалар қатнашади. Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1958 йилда ишлаган.

СЕВЕРНОМОРСКДАН ХАТ Тарбиячиларига катта раҳмат!



С. РАВШАНОВ.

Бизнинг Совет Армиямиз ва Ҳарбий-Денгиз Флотимиз аҳли бир оила, турли миллат фарзандлари дўстлигин